

Бекташ БЕРДИЕВ

*Ўзбекистон халқаро ислом академияси
Халқаро муносабатлар кафедраси
катта ўқитувчиси
bektoshb@rambler.ru*

ТУРКИЙ ТИЛЛИ ДАВЛАТЛАР ЎРТАСИДА ТУРИЗМ СОҲАСИДАГИ АЛОҚАЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ УСТУВОР МАСАЛАЛАРИ ВА ИСТИҚБОЛЛАРИ

ПРИОРИТЕТНЫЕ ВОПРОСЫ И ПЕРСПЕКТИВЫ РАЗВИТИЯ ВЗАИМООТНОШЕНИЯ ТЮРКОЯЗЫЧНЫХ СТРАН В СФЕРЕ ТУРИЗМА

PRIORITY ISSUES AND PROSPECTS FOR DEVELOPMENT OF RELATIONSHIP OF TURKISH- SPEAKING COUNTRIES IN THE SPHERE OF TOURISM

Аннотация: Мақолада бугунги кунда дунё миқёсида Ўзбекистоннинг халқаро имиджи юксалишининг асосий омилларидан бўлган туризм, асосан зиёрат туризмининг тобора ривожланиб бораётганлиги, бу борада жуда катта салоҳиятга Туркий тилда сўзлашадиган халқлар ва миллатларни ўз атрофида бирлаштирадиган Туркий тилли давлатлар кенгашига аъзо мамлакатлар (Қирғизистон, Қозоғистон, Озарбайжон, Туркия, Туркменистон (кузатувчи давлат), Ўзбекистон, Венгрия (кузатувчи давлат) билан турли соҳаларда ҳамкорлик қилиш, айниқса, зиёрат туризми соҳасида катта салоҳиятнинг мавжудлиги масалалари ёритилган.

Калит сўзлар: Халқаро имидж, мамлакатнинг ижобий образини яратиш, зиёрат туризми, туркий тилда сўзлашувчи давлатлар, Туркий тилли давлатлар кенгаши, туризм салоҳияти, миллий ўзликни англаш, цивилизация, маданият.

Аннотация: В статье освещены вопросы паломнического туризма как один из основных

факторов повышения международного имиджа Узбекистана, дальнейшее развитие туризма, важности и перспективы сотрудничества с государствами-членами Совета сотрудничества тюркоязычных государств (Азербайджан, Казахстан, Кыргызстан, Турция, Туркменистан (страна наблюдатель), Узбекистан, Венгрия (страна наблюдатель) в этой области, наличия большого потенциала в сфере паломнического туризма.

Ключевые слова: Международный имидж, создание и конструирование положительного имиджа страны, паломнический туризм, тюркоязычные государства, Совет тюркоязычных государств, туристический потенциал, национальное самосознание, цивилизация, культура.

Abstract: The article highlights the issues of pilgrim tourism as one of the main factors in enhancing the international image of Uzbekistan, the further development of tourism, the importance and prospects of cooperation with the member states of the Cooperation Council of Turkic-speaking states (Azerbaijan, Kazakhstan, Kyrgyzstan, Turkey, Turkmenistan (observer country), Uzbekistan, Hungary (observer country) in this area, the presence of great potential in the field of pilgrim tourism, where the political aspects of positive views towards the Republic of Uzbekistan are formed, the main directions for attracting the attention of the Turkic civilization to Uzbekistan through pilgrim tourism, etc.

Key Words: International image, creation and construction of a positive image of the country, pilgrim tourism, Turkic-speaking states, the Council of Turkic-speaking States, tourism potential, national identity, civilization, culture.

Бугунги кунда дунё миқёсида тобора ривожланиб бораётган зиёрат туризми соҳаси Ўзбекистоннинг халқаро имиджини юксалтиришнинг асосий омилларидан бири сифатида намоён бўлаётганлиги, бу борада мамлакатимизда жуда катта салоҳиятнинг мавжудлиги ҳеч биримизга сир эмас. Айниқса, сўнгги йилларда тобора ривожланиб бораётган зиёрат туризми қадимий, тарихий иншоотлари, улуғ алломалари ва авлиёларнинг, диний уламоларнинг қабрлари кўп бўлган давлатлар

хазинасига жуда катта маблағлар тушумини таъминлаш билан бир қаторда, кенг аҳоли қатламининг ҳам мавсумий ва ҳам доимий иш билан таъминланишининг молиявий асоси бўлиб улгурганлиги барчамизга маълум.

Келтириб ўтганимиздек, зиёрат туризми ва уни ривожлантириш борасида Ўзбекистон жуда катта салоҳиятга эга. Бунинг қуйидаги бир қанча объектив сабаб ва имкониятлари мавжуд:

1. Ўзбекистоннинг Марказий Осиёда, шунингдек, қадимий Буюк Ипак йўлида жойлашганлиги ва унда туркий тилли халқлар учун муқаддас ҳисобланган қадамжоларнинг жойлашганлиги ва унга нисбатан туркий тилли давлатлар аҳолисининг қизиқишлари ортиб бораётганлиги;

2. Туркий тилли халқларнинг, миллатлар ва элатларнинг бутун бир тарихи, то бугунги кунга қадар сақланиб қолган маданий хусусиятлари ва анъаналари билан боғлиқ қадриятларга ҳам туркий халқларнинг ҳурмати беқиёслиги (мисол учун, Туркиялик туркларнинг кўпчилиги Ўзбекистонни ота юрт сифатида эътироф этиши);

3. Бутун дунёдан сайёҳларни жалб қиладиган турли макбаралар, сағаналар ва қадимий шаҳар қолдиқларининг тобора кўплиги ва бу ҳолат, сайёҳларда жуда катта қизиқиш ўйғотиши;

4. Туркий халқларнинг қадимий анъаналарини, турмуш тарзини, қадим баҳодирларию-пахлавонларини, юрт учун, эл учун жонини тиккан қаҳрамонлари тарихидан сўйлаган дostonлари билан боғланган турли фестиваллар, тадбирлар, номоддий маданий меърос намуналари ва уларга нисбатан бутун туркий дунёнинг қизиқишлари, эътироми сингари омиллар Туркий тилли давлатлар ўртасидаги туризм соҳасидаги муносабатларга жуда катта ижобий таъсир кўрсатади.

Айниқса, турли фольклор жамоалар, ўта қадим тарихни ўзида мужассам эттирадиган анъаналар, диний ва миллий маросимлар, миллий ва қадимий либослар кўргазмалари, маънавий-маърифий кечалар билан боғлиқ турли хил тадбирларнинг ўтказилиши зиёрат туризми ривожланишининг энг муҳим йўналишларидан ҳисобланади.

Умуман олганда, сайёҳлар учун ташриф буюрадиган ҳудудларнинг жўғрофияси ва

тарихи билан танишиш, ибодат масканларига ташриф буюриш ва ибодатларни бажо келтириш, маънавий-тарихий ўтмиш билан танишиш кабиларни ўз ичига оладиган зиёрат туризми бугунги куннинг воқелиги эмас. У ўзининг минглаб йиллик тарихига эга эканлигини ҳам эътироф этишимиз керак. Бу инсоният пайдо бўлиши билан боғлиқ бўлган миграцион ёки саёҳатчилик жараёндир. Барча динларда мавжуд бўлган ушбу жараён ҳиндулик, буддавийлик, яхудийлик, насронийлик, ислом ва бошқа анъанавий динлар учун ҳам хос бўлиб, бугунги кунда дунё мамлакатлари иқтисодиёти учун ҳам ўта долзарб аҳамият касб этиб келмоқда.

Ўзбекистоннинг бу борадаги алоқалар нафақат турли давлатлар билан икки томонлама, балки турли халқаро ва минтақавий ташкилотлар доирасида кўптомонлама асосда ҳам ривожланиб бораётганлигини алоҳида эътироф этиш мумкин. Шундай халқаро ташкилотлардан бири - Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик кенгаши (ТТДХК) бўлиб, музкур ташкилот 2009 йилнинг 3 октябрида Озарбайжоннинг Нахичеван шаҳрида ташкил топган ва ўз олдида аҳолисининг асосий қисмини туркий тилда сўзлашувчилар ташкил қилувчи давлатларнинг интеграциясини асосий мақсад сифатида белгилаб олган.

Ташкилот, гарчи узоқ вақт мобайнида Ўзбекистон иштироки камайганлиги туфайли, ўз салоҳиятини тўлиқ рўёбга чиқара олмаган бўлсада, кейинчалик бу фаолият анча жонланди. Бунинг асосий сабабларидан бири – бу Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2019 йил 14 сентябрь куни «Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик Кенгашини тузиш тўғрисидаги Нахичеван Битимини ратификация қилиш ҳақида»ги Қонунни имзолаганлиги дейишимиз мумкин. Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2019 йил 14 сентябрь куни «Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик Кенгашини тузиш тўғрисидаги Нахичеван Битимини ратификация қилиш ҳақида»ги Қонунни имзолаган эди. 2019 йил 15 октябр куни Озарбайжон Республикасининг Боку шаҳрида бўлиб ўтган ТТДХК саммитида Ўзбекистон Республикаси тўлақонли аъзо сифатида қатнашиб, тадбирда давлатимиз раҳбари иштирок этган эди [1].

Бугунги кунда ташкилотга Озарбайжон, Қирғизистон, Қозоғистон, Туркия, Туркма-

нистон (кузатувчи давлат сифатида иштирок этишга розилик берган), Ўзбекистон ва Венгрия (кузатувчи давлат) каби давлатлар аъзо бўлиб, улар турли соҳаларда ҳамкорликни чуқурлаштириб келмоқда. Умумий статистик маълумотларга эътиборимизни қаратадиган бўлсак, бугунги кунда, Туркиянинг аҳолисининг умумий сони 83 млн.дан ортиқ, Венгрия аҳолисининг умумий сони 10 млн.га яқин, Озарбайжон аҳолисининг умумий сони 10 млн.дан ортиқ, Қозоғистон Республикаси аҳолисининг умумий сони деярли 19 млн., Қирғизистон Республикасининг аҳолисининг умумий сони 7 млн.га яқин, Туркменистон аҳолисининг умумий сони 6 млн.дан ортиқ эканлигини, умумий 135 млнли аҳолининг ўндан бирини мамлакатимизга сайёҳ сифатида ташриф буюришига эриша олсак, бу 13 млн. дан ортиқ турист дегани ва бу жуда катта истиқболли имкониятларни очади, энг замонавий инфратузилма ёки лойиҳаларнинг рўёбга чиқишини аңлатади демакдир. Зеро, Президентимиз таъбири билан айтганда, “Туркий Кенгашига аъзолик халқимизнинг туб манфаатларига тўла жавоб беради. Бугунги кунда ўртаамизда нафақат маданий-маънавий алоқалар, балки савдо-иқтисодий муносабатлар ҳам янги босқичга кўтарилмоқда. Охириги уч йилда давлатларимизнинг ўзаро савдо ҳажми салкам икки баробарга ошди, мингдан ортиқ янги қўшма ширкатлар очилди. Транспорт қатновлари кенгаймоқда, визасиз тартиб асосида туристлар оқими тобора кўпаймоқда, халқларимизнинг қардошлик ришталари мустаҳкамланмоқда” [2].

Эндиги асосий масала, ушбу давлатлар ўртасида савдо-иқтисодий ва инвестицион алоқалар билан бир қаторда, туристик, шунингдек, зиёрат туризми борасидаги ҳамкорликни ҳам ривожлантириш энг муҳим ва стратегик вазифалар қаторига чиқди. Бунинг умумий ва ўзига хос хусусиятлари бўлиб, уларни бирма-бир санаб, таҳлил қилиб ўтсак:

Биринчидан, Марказий Осиёнинг юрагида жойлашган Ўзбекистон ҳудудлари деярли барча туркий тилли давлатларнинг цивилизация асосини ташкил қиладиган давлатлар қаторига киради. Ҳозирги туркия ҳудудида истикомат қиладиган турклар, ёки ўзларини хунларнинг авлодлари ҳисоблайдиган венгерларнинг

аксарият қисми Ўзбекистонни, ёки умуман Марказий Осиёни “ота юрт” дея рамзий аташларининг тарихий асослари мавжуддир. Бу ҳолат, улар учун асл аجدодлари чиққан юртни кўришга нисбатан ҳаяжонли иштиёқни пайдо қилиши, қизиқишларини орттиришлари, қадимги туркий цивилизация асослари билан танишиш учун юртимизга ташриф буюришларининг муҳим рағбати ҳисобланади;

Иккинчидан, тарихий шаҳарлар, Самарқанд, Бухоро, Хива сингари шаҳарларнинг ислом дини тарқалгунга қадар ҳам мавжуд бўлганлиги, уларнинг тарихий аҳамияти фақатгина Ислом дини билангина эмас, балки узок тарихга бориб тақалиши ва ҳақиқий туркийлар маданияти ва цивилизациясининг ажралмас қисми сифатида қаралиши, бу шаҳарларда ўта қадимий туркий халқлар турмуш тарзини акс эттирадиган тарихий намуналарнинг топилганлиги эса зиёрат туризми учун барча туркий тилли халқларда албатта ташриф буюриш ва бу афсонавий шаҳарлар билан танишиш иштиёқини оширади.

Учинчидан, бугунги кунда туркий тилли давлатлар аҳолисининг жуда катта қисми ислом динига эътиқод қилишини ҳисобга олсак (Венгрия бундан мустасно), бу борада ҳам мақтанишга арзигулик имкониятларимиз бисёр. Зеро, мусулмон маданиятига жуда катта ҳисса қўшган, ислом динининг софлиги ва ривожланишида жуда катта тарихий роль ўйнаган ўнлаб, балки юзлаб алломаларимизнинг яратган илмий, маънавий меъросини ўрганишга бўлган қизиқиш, уларнинг қабрлари ёки мақбараларини зиёрат қилиш, тасаввуф олимларимизнинг, азиз авлиёларнинг суфийлик меъросларига бўлган чуқур қизиқиш ҳам Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик кенгаши доирасида Ўзбекистонга миллионлаб сайёҳларни, олимлару-изланувчиларни жалб қилишимизга имкон беради.

Тўртинчидан, мавзуимизнинг юқорисида таъкидлаб ўтганимиздек, мамлакатимизнинг тарихий Буюк Ипак йўлида жойлашганлиги, турли анъаналар ва маданиятларнинг мавжудлиги, сақланиб қолаётганлиги, Турк дунёсининг ҳудудга қизиқиши тобора ортишига замин яратади ва айнан қадимшунос олимларни, этнографларни, археологларни, тарихчилару-зиёлиларни, журналистлару-блогерларни ўзига

жалб қилади ва бу ҳам мамлакатимизнинг туристик потенциали юксалишига жуда катта ижобий таъсир кўрсатишини эътироф этишимиз лозим.

Эндиги асосий вазифа эса бу йўналишда истикболли туристик маршрутларни, лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий қилишдир. Мазкур вазифалардан келиб чиққан ҳолда, ўтган 2020 йилда гарчи, короновирус пандемиясининг кучайиши, дунё сайёҳлик индустриясига жуда катта катта зарба беришига қарамасдан, 23 июнда Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик кенгашининг Туризм вазирлари V видеоконференция тарзида бўлиб ўтган йиғилишида Ўзбекистон делегацияси ҳам иштирок этди ва Ўзбекистоннинг бу борадаги позициясини, “COVID-19” пандемияси шароитида мамлакатимиздаги ва бутун дунёдаги туризм соҳасининг ҳолати, пандемия туфайли вужудга келган вазиятни юмшатиш, оқибатларни бартараф этиш бўйича соҳада муваффақиятга эришган мамлакатларнинг тажрибасидан фойдаланиш, Турк кенгашига аъзо давлатлар ўртасида сайёҳлик алмашинувини тиклаш ва оқимни янада ошириш чора-тадбирлари, Кенгашга аъзо давлатларнинг сайёҳлик йўналишларини илгари суриш лойиҳалари ва ташаббусларни иштирокчиларга тақдим қилган эди.

Айниқса, “Замонавий Ипак йўли” қўшма туристик маҳсулот лойиҳасига Ўзбекистоннинг шаҳарлари ва манзилларини киритиш ҳамда ТТДХК Туризм масалалари бўйича вазирларининг навбатдаги VI йиғилишини 2021 йил Ўзбекистонда ўтказиш масаласи борасидаги Ўзбекистоннинг ташаббуслари ҳам Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик кенгаши томонидан маъқулланганлиги мамлакатимизнинг салоҳияти ва обрў-эътиборидан, зиёрат туризми борасидаги нуфузи тобора юксак эканлигидан дарак беради.

Хулоса ўрнида айтиш лозимки, бугунги кунда дунёнинг геосиёсий манзараси, хусусан, мафкуравий ҳолатига жуда катта таъсир кўрсатиш қобилиятига эга бўлган Туркий тилли давлатларнинг ўзаро муносабатлари, гарчи, аниқ прогнозлар бериш мушкул бўлсада, бугунги кунда энг жадал ривожланиб бораётганлигини алоҳида қайд этишимиз лозим. Туркия томонидан илгари сурилаётган, Озарбайжон

томонидан маъқулланаётган ва Марказий Осиё туркий тилда сўзлашувчи давлатлари томонидан ҳам муҳим ҳамкорлик сифатида қаралаётган ушбу ташаббуслар бугунги кунда ўз давлатчилигига эга бўлмаган туркий тилли халқлар ва миллатларга ҳам ўзининг маънавий таъсирини ўтказмоқда.

Шунингдек, бугунги кун оммавий ахборот воситаларида ва ижтимоий тармоқларида кенг тарқалаётган ушбу мафкурадан, маданият тарғиботларидан мамлакатимиз миллий манфаатлари йўлида фойдаланиш, туризм ва маданий алоқлар ривожига фойдаланиш энг муҳим ташқи сиёсий вазифаларимиздан ҳисобланади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ўзбекистон Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик кенгашининг Туризм масалалари бўйича вазирлари V йиғилишида қатнашади. <https://uzbektourism.uz/cyrl/newnews/view?id=1234>
2. Ш.М.Мирзиёев. Ўзбекистоннинг Туркий кенгашга аъзо бўлиши – табиий ва тарихий жараён. <https://president.uz/uz/lists/view/2939>
3. Category:Cooperation Council of Turkic-Speaking States. https://commons.wikimedia.org/wiki/Category:Cooperation_Council_of_Turkic-Speaking_States